

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ

БАҲОСИ 50 ТИЙИН

## КЕЙИНГИ СОНЛАРДА:

Барча ота-оналар ва фарзандлар ўқисин:

**АБУ ЛАЙС АС-САМАРҚАНДИЙ**

Танбеҳ ал-Ғофилин

**МУТЛАҚО МАХФИЙ:**

Бечоралар. Раҳбарлар уларга кечаси тўшагида ётганича сим қоққан



ОРОМ

Суратчи: Р. АЛИБЕКОВ

## РАҲМАТ

Ўзбекистон Республикаси Болалар жамғармаси Болалар уйи ва махсус интернатлар бўлимининг мудир Маъмура СИРОЖИДДИ-НОВА йил бошида ўтказиладиган тадбирлар ҳақида қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Республика болалар уйлари тарбияланувчиларининг охирги — 1991 йил декабрь ойида ўтказилган кўриқ танловини алоҳида таъкидламоқчиман. «Қор бўталоқ» деб номланган бу танлов вилоятлардаги барча талантли болаларни бирлаштиришда дастлабки қадам бўлди. Истеъодларни аниқлашда ўзига хос мактаб бўлди, дейиш ҳам мумкин.

— Унга кимлар ҳомийлик қилди!

— Бир неча ташкилотлар. Уларга раҳмат

айтиш билан бирга, номма-ном санаб ўтмоқчиман: Бош ҳомий — «Тошкент» биржаси, ҳомийлар: «Афғон» жангчилар уюшмаси, Тошкент сабзавот ва виночилик корхонаси, Тошкент шаҳар транспорт бошқармаси, Тошкентдаги «Грейс» черкови, «ДЮТО», «СЯМУЛЬ», «Ўзбекфильм» киностудияси ва Давлат спорт кўмиталарига миннатдорчилик билдирамиз.

— Бу йил қандай тадбирлар ўтказиш мўлжалланмоқда!

— Наврўз айёми арафасида ҳунарманд болаларнинг кўرғазмасини ўтказмоқчимиз. Талантли болалар кейинчалик ҳар хил билим юртларига жойлаштирилади.

Бундай тадбирларни ўтказиш учун ҳомий-

Пайғамбаримиз ҳадисларидан бирида шундай лутф этилади: «Хизматчиларга яхши муомалада бўлиш—барақадир, ахлоқсизлик — шумликдир, аёл кишига итоат қилмоқлик — надоматдир, садақа эса балони қайтарувчидир». Дарвоқе, етим-есирларга, зориққан, муҳтож кимсаларга ҳайр-садақа қилиш ҳар бир мўмин-муслмон учун фарз, иймонга қувватни дарж этувчи савобли ишдир. Ҳамма замонларда мададга муҳтож кишилар бўлган ва уларга рағбат назари билан қараш инсонийликнинг энг олий сифатларидан саналган. Айниқса, иқтисодий қаҳатчилик ҳукм сураётган бугунги кунда кўплаб хайрли ишларнинг йўлга қўйилиши одамлардаги меҳр-муруват, саховат ва шайқат ҳисларининг уйғунлашувидан далолат беради, десак янглишмаймиз. Шу маънода Урта Осиё ва Қозоғистон муслмонлари Диний бошқармаси қошида фаолият кўрсатаётган «Савод-ул-аъзам» хайрия уюшмаси амалга ошираётган ишлар ҳам диққатга сазовордир. Биз уюшма фаолиятларидан **Абдуфаттоҳ НАБИХУЖА** ўғли билан суҳбатда бўлдик.

## УЛУҒ САВОД ЙЎЛИДА

— Тақсир, «Савод ул-аъзам» қачон, кимнинг ташаббуси билан ташкил этилди!

— «Савод ул-аъзам» ўтган йилнинг январда Урта Осиё ва Қозоғистон муслмонлари Диний бошқармасининг Фарғона водийси бўйича вакили Абдурауф ҳожи ташаббуси билан Наманган шаҳрида ташкил топди. Шундан сўнг биз Омонулло ҳожи Тожибой ўғли иштирокида вилоятларга бориб, мўмин-муслмонлар орасида уюшманинг мақсад-вазифаларини тарғиб қилдик ва бу сайёҳ-ҳаракатларимизнинг натижаси ўлароқ, жойларда «Савод ул-аъзам»нинг шаҳобчалари ташкил этила бошлади. Ҳозир уюшманинг 55 минг аъзоси бор. Айниқса, Самарқанд вилоятининг Имом Хатиби Мустафоқул ҳожининг ташаббуси билан ўн мингдан ортиқ муслмонлар бу уюшмага аъзо бўлишди. Шунингдек, Тошкент шаҳридаги Имом ат-Термизий масжиди, Киров туманидаги Янгиариқ, Ҳасанбой қишлоғидаги масжиди Жомеъда ҳам бу соҳада яхши ташкилотчилик ва тарғиботчилик ишлари олиб боришмоқда.

— «Савод ул-аъзам» жамғармасига тушган пуллар қандай хайрия мақсадларига сарф этилмоқда!

— Йиғилган бадал пулларининг 10 мингдан кўпроги жорий тақвим бўйича Янги йил арафасида ногиронлар, етим-есирлар ва бева-бечораларга тарқатиб берилди. Бундан ташқари, Бухородаги Мир-араб ҳамда Тошкентдаги Имом

Бухорий медресаларида таҳсил олаётган талабалар, «Савод ул-аъзам» ҳисобидан «Ислому нури» ва «Мовароуннаҳр муслмонлари» диний-маърифий нашрларига бепул обуна қилинди. Келгусида талабаларга Қуръони карим ва Ҳадиси шариф китобларини ҳада қилиш ниятимиз ҳам бор.

— Уюшма расман рўйхатга олинди, Низоми тасдиқланганми!

— Уюшмамиз ҳали рўйхатга олинганича йўқ. Аммо унинг ҳозир ҳам ўз Низоми, аъзолик гувоҳномаси бор. Низомга кўра, уюшмага аъзо бўлган муслмонлар ҳар ойда камидан бир сўмдан бадал пули тўлаб борадилар. Бироқ «Савод ул-аъзам» хайрия жамияти бўлгани сабабидан аъзолик бадалларининг миқдори қатъий белгиланган бўлмаган. Истаган кишилар ўз имкониятларидан келиб чиқиб, кўпроқ хайр қилишлари ҳам мумкин.

Ислому дини даъват этган хайрли тадбирларни амалга оширишга қиринган «Савод ул-аъзам» уюшмасининг мўмин-муслмонларга моддий ва маънавий мадад кўрсатувчи катта бир жамиятга айланиб бораётгани, шубҳасиз, қувонарли бир ҳодисадир. Умид қиламизки, уюшма яқин кунларда ҳукумат томонидан расман рўйхатга олинди, катта қувватга эга бўлади ва оғир аҳволда қолган биродарларимиз, етим-есирлар ҳамда бева-бечораларга пушт-паноҳ бўлиб хизмат қилади.

Пахлавон СОДИҚ

лар керак бўлади. Халқ таълими ва Маданият вазирликлари ҳам бу ишларга эътиборини қаратишса ёмон бўлмасди.

## ХАЙРИЯ

Шўрчи шаҳрида «Термиз» хом ашё савдо биржаси билан Ўзбекистон Болалар жамғармаси Сурхондарё вилоят бўлимининг ҳамкорликдаги хайрия тадбири ўтказилди. Унда Шўрчи туманидаги кам таъминланган ногирон ва серфарзанд кишилардан 20 нафарига 500 сўмдан ёрдан пули берилди. Шунингдек, зиёфат уюштирилиб, уй-рўзгор учун керакли буюмлар савдоси ташкил этилди, деб хабар беради сурхондарёлик мухбиримиз М. Абулфайз.

## КОЙИЛ

## ТОШКЕНТДА АРЗОНЧИЛИК

Турсунзода алюмин заводининг қатор йиллардан буён Сурхондарё вилоятига заҳар сочаётганлиги дунёга маълум. Халқ номблари Сурхондарё вилояти кенгашининг VIII сессияси ниҳоят буни эътироф этди ва Сарисоё, Узун, Денов ва Олтинсой туманларини Носоғлом экологик зона деб эълон қилди.

## ГАМХҲҮРЛИК

Бу хабарни ҳам Сурхондарёдан олдик. Урта асрнинг улуг алломаси Абдулҳаким ат-Термизий ҳазратлари мақбарасининг девор-дармиён кўшнисини — ҳарбийлар ҳаётида ўзгариш бўлди. Улар боқаятган чўчкалар болалай бошлади. Мақбаранинг ёнида яна бир бўлима-итхонада ҳам ана шундай юксалиш кутилмоқда. Бу ривожланишга димоғини дастрўмолчаси билан бекитиб ҳазратни зиёрат этувчилар халақит бермаса бас, деб хабар қилади мухбиримиз М. Абулфайз.

## ИШБИЛАРМОН ХОНИМЛАР

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси ишбилармон аёллар уюшмаси (ассоциацияси) тузилди. Унга Дилдора Маҳмудова раҳбар этиб сайланди.

## ОХ, ЯНА ХИЁНАТМИ?

Фаранг адиби Андрей Моруа «Омадли никоҳ ҳар кунни таъмир этиб турилиши керак бўлган бинодир», деган эди. Ҳозир шундай никоҳлар вужудга келяптики, уларни наинки таъмир, балки имкон қадар тезроқ, майда-чуйда воқеаларга фожий тус беришига уринган ҳолда барбод қилишга зўр беришмоқда. Эндилдикда қайта турмуш қуриши, рўзгорни «янгилаш» ёшлар учун одатий ҳол бўлиб қолди. Икки ёшнинг узаро турмуш қуришини қариялар «умр савдоси» деб аташади. Воқим, умр савдоси «ярим йиллик», «бир йиллик» савдога айланиб бормоқда.

Ёшларнинг турмуши бузилиб кетаётганлигига «тараққиёт айбдор», десангиз, тараққиёт этиб ҳам узоққа боришимиз йўқ. Агар тараққиёт ёшларнинг турмушини бузади, деган фикрга ёпишиб оладиган бўлсак, ривожланган ислом мамлакатлари, Шарқдаги бошқа пешқадам давлатларда оилавий масалаларга эҳтиром билан қарайдилар-ку?! Мен қадимий анъаналаримиздан олислашиб кетганимиз учун ҳам рўзгоримиз парокандаликка юз тутмаяптимики, деган иштибоҳдаман.

Сурхондарё вилоятида халқимизнинг азалий урф-адумлари бир қадар сақланиб қолган. Бироқ бу ерда ҳам оилаларнинг бузилиши охири бораётганлиги кўзга ташланади. Ўтган йилнинг биринчи олти ойи ичида вилоятда 1043 киши никоҳни бекор қилишларини сўраб ариза берди. «Парчаланишга» жонжаҳди билан уринаётган оилаларнинг 87тасида бола бор. Бундан уч ой бурун, яъни октябрь ойида 1246 оила никоҳдан ўтиб, 114 таси ажралишган.

Уртада тирик етим қолган бегуноҳ болаларнинг аччиқ қисматини баён этмоққа на сўз, на таскин бор. Ажралишган эр-хотинларнинг ота-оналари, қариндош-уруғлари орасига тушган совуқлик-чи? Тожикистон алюмин заводининг «роҳати»ни кўраётган Сарисоё туманида ҳам оилаларнинг бузилиши йилдан йилга охири бормоқда. 1990 йилда 138 оила инқирозга юз тутди. Уртада фарзанд йўқлиги,

ийгитларда жинсий қобилиятнинг сустлиги каби ҳолатлар бахтиқароликка сабаб бўлаётир. Бу чиндан ҳам фоживий ҳолик, алюмин заводи одамларнинг қисматига човут солмоқда. Инсоннинг аслини, наслини бузаётган бу завод қачонгача «даврон суради» — буни ҳеч ким айтолмайди...

Яна қандай сабаблар бор? — Сабаблари кўп, — дейди вилоят адлия бошқармасининг суд ишлари бўйича катта маслаҳатчиси Абдусаммад Бобокелдиев, — Аввало, ёшларимиз бир-бирларини яхши билмасдан никоҳдан ўтишяпти. Асосий сабаблардан яна бири — эр-хотинларнинг бир-бирига хиёнатидир.

...Ох, яна хиёнатми? Азал-азалдан лаънатланган ўша хиёнат яна покиза тўшақларни бадном қилмоққа тутиндимми? Қисматлар пораланади, не-не умидлар билан қурилган оила иморати йиқилади... Қоракўзлар тақдирга лаънат айтганча, юз кўришмас бўлиб кетадилар, аро йўлда қолган гўдаклар эса ҳайрат билан «эсидан айрилган» катталарга боқадилар. Соқоли оқарган табаррук болалар оғир сукутга толадилар, пешоналарини ажинлар қоплаган момолар ҳам нигоҳларини бир нуқтага қаданганча гуссалли ўйга ботадилар. Энг даҳшатлиси — қисматга таҳрир киритиб бўлмайди...

Турмушнинг минг бир чирғиридан ўтган аждодларимиздан қолган ибратли бир нақл бор: «Биринчи бахтим — Сулаймон тахтим, иккинчи бахтим — сувларга оқдим...» Албатта ўзгаларнинг рўзгорию, у ерда бўладиган турли-туман можароларга бош суқиб бўлмайди. Лекин «ўз балонг ўзинга урсин», дея четда томошабин бўлиб туриш мумкинми, билмадим. Одам маслаҳат беришга истиҳола қилади, бироқ ҳар на мушуқлик бўлсада, «Сулаймон тахти»нгизни бой бермасликка интилинг.

Маҳмуд АБУЛФАЙЗ

Афсуски, бу иборани барча маҳсулотларга, айниқса, кийим-кечагу озиқ-овқатга нисбатан қўллаб бўлмайди. Аммо атиргулнинг баҳоси чет эллардагига нисбатан, хусусан, Москов бозоридан кўра 25 барабар арзон, деб хабар беради хоримда чиқадиган «Труд» рўзномаси.

## «ИСИБ ҚОЛДИК»

Ғаллаорол туманидаги Сарой қишлоғида жойлашган 36-ўрта мактаб директори Т. Пирхонов туман кенгаши ижроия қўмитасининг раиси Анорбой Турсунқулов билан «Ғаллаорол» давлат хўжалиги раҳбари Қувондиқ Бердиевга миннатдорчилик билдирди. Негаки, туман ва ҳомий хўжаликдаги не-не раҳбарларни кўрган мактаб шу икки инсоннинг бевосита сайъ-ҳаракати боис ростманга исийдиган бўлди. Мактабга табиий газ келиб, иситиш тармоғи ишга тушди.

## ШУНАҚА


Кейинги тўрт-беш йил ичида Сирожиiddин Сайинд, Юсуф Жума, Ҳалима Аҳмедова, Азиз Саид каби шорларнинг китоблари... иқтисод қилинган қоғоз ҳисобидан босилган. Қизиқ, иқтисод қилинмаганига нима босишди экан!

*«Бизнинг янги йил қачон бошланади?» («Оила ва жамият», 1 сон) номли мақола менга ёқди. Менимча, бизнинг янги йил Наврўз айёми билан бирга нишонланса жуда яхши бўларди. Чунки бу пайтда табиат уйқудан уйғона-*

НАВРЎЗ  
БЎЛСИН

*ди, ҳамма ёқ гўзал бўлади. Қолаверса, боболаримиз аввалдан Наврўзни йил боши сифатида қариб қилишган. 31 декабрда ҳамма ёқ оппоқ қор, табиат уйқуда бўлади. Бундай янги йилнинг қизиги ҳам йўқ. Халқимиз учун Наврўз айёмидан яхшироқ байрам бўлмаса керак, деб ўйлайман.*

Файзулла  
БОБОДУСТОВ,  
Жиззах вилояти.



## БЕШИК


Бир кун и ер ости темир йўли (метро) вагониди ажоий манзаранинг гувоҳи бўлдим. Қўлида бешик тутган Она ичкари кирди. Еш йигит жой бўшатди. Ҳаммининг ниноҳи Онахонга қадалди. Чунки бешик ҳавасин келтирар даражада чиройли эди. Аёлининг майин жилмайишларини кузата туриб, хаёлга чўмдим. У нималар ҳақида ўйлапти экан! Набираси ҳақидами! Шундай бўлса ажаб эмас. Чунки, биз, ўзбекларда бир одат бор: фарзанд дунёга келганда, бувилар, момолар бешик келтиришлари керак; чақалоқни бешикка белаш ҳам уларнинг зиммасида. Балки бу Она ҳам янги чақалоқнинг жилмайишлар-

ри-ю «инга»лашларини кўз олдига келтиргандир. Хаёлан бешик тебратиб, аллалагандир, ўша чақалоқни. Ахир ота-боболаримиз азалдан «бешигиди алла эшитиб ухлаган бола улгайганда, ота-онасига меҳрибон бўлади», деб бежизга айтишмаган.

Она ўз манзилига етди чоғи, вагондан тушди. Мен беихтиёр уни кузатиб қолдим. Лекин, кузатаётган битта мен эмасдим. Назаримда, Она бешик оғирлигини сезмас, худди палпапонига таппинган Оққуш мисол учиб борарди.

Она Бешикни, бешик болани, бола дунёни тебратади.

Рустам МАРДОН



ПАРВАРДИГОР БАРЧА ЖОНЗОТНИ ЖУФТИ БИЛАН ЯРАТГАН

Яқин-яқинларгача ота-боболаримиз панд-насихатларини писанд қилмай келдик. Улар тўплаган маънавий бойликларни тепкилаб, моддий бойликка зўр бериб интилдик.

Нонни увол қилиш, ота-оналарни хўрлаш, бировнинг ҳақини ейиш мумкин эмаслигини билган ҳолда, зид иш қилишда бор кучимизни, ғайрат-шижоати

# ЯМОҚ

мизни аямадик. Оқибати ўйламай қилинган ишлар бугун ўз мевасини берди. Эндиликда азобини ўзимиз тортяпмиз. Мана бир мисол: Тошкент шаҳрида

5641 таксафон ўрнатилган, шундан 3 мингтаси яроқли, қолганлари эса бузилган ва ўғирланган. Тарбиясизлик, бебошлик ҳам шунчалик бўладими...

Нима учун камбағалнинг бири икки бўлмайди? Ҳаммаси ҳам пешона тери билан топилган пулга, буюмга бўлган муносабатга боғлиқ. Мамлакатимиз шундай оғир, моддий қийинчилиқни бошдан кечириб турган пайтда тежаш, эҳтиёт қилиш ўрнига бузиш—ёвузлик эмасми?

Одамзотнинг феъл-атвори у қандай муҳитда тарбияланганига қараб ғоят хилма-хилдир. Атрофимизда суҳбати билан жонга хузур бахш этувчи, қалбингизни яшаш завқи билан тўлдирувчи қуёш янглиг инсонлар билан бирга тунд, рафторига боқиб олам кўзингизга қоронғи ва тор кўриниб кетадиган кимсалар ҳам борки, биринчиларини кўргангизда дилингиз равшанлашиб, нурга тўлади, иккинчи гуруҳ одамлар билан бир учрашиб қолсангиз, келаси сафар уларни анча наридан четлаб ўтадиган бўлиб қоласиз.

Маърифатли, комил инсон бўлиш, касбуна ҳақ эгалаш, қобилият ва истеъдодни камол топтиришнинг ягона йўли—илм олишдир. Билим—эътиқоднинг мухтаб камлиги, қадр-қиммат, меҳр-мурувват, жамият гуллаб яшашнинг олтин қалитидир. Аждодлар мерос қолдирган билимларни чуқур ўзлаштириш истиқбол сари қадам ташлашдир.

Ота-оналик бурчи фарзандни дунёга келтиришдангина иборат эмас, уни тарбиялаш, қувонч ва дардига шерик бўлиш, жамиятга ва халққа хизмат қиладиган инсон қилиб камол топтириш ҳам керак. Бу фарзандни дунёга келтиришдан анча қийин ва масъулиятлироқдир. Шундай экан, буни доимо ёдда туттишимиз, бор куч-ғайратимиз, бутун ақл-идроқимиз ва салоҳиятимизни шунга сарфлашимиз лозим.

Эскилардан қолган бир гап бор: қазисан, қартасан, асли зотингга тортасан. Уғилдир, қиздир у бир кун ота-онасига тортади, онада қандай тарбия кўрган бўлса, шундай вояга етади.

Орамизда ўз ота-оналик бурчини, масъулиятини тўлиқ ҳис қилмасдан, фарзандларини болалик қувонч ва шодлиқларидан маҳрум этиб, айш-ишрат суриб яшаётганлар ҳам бор. Бу кўрлик, бемехрликнинг ҳаммаси инсон сифатида ўз баҳосини билмаслик, ўз ҳақ-хуқуқини танимаслик, ҳаётнинг қадрига етмасликдан келиб чиқади. Бундай бағридошлик, манфурлик касалига чалинганларни даволаш, оёққа тургазиш зарур, чунки халқимиз қадрига маънавият орқалигина етишимиз мумкин. Фарзандлар ҳам шундай ота-оналар қилмишидан номус қиладилар, одамлардан бу ҳақда аччиқ таъналар эшитадилар. Ешлиғида ўз ота-онаси бағрида яйраб-яшнамаган фарзанднинг ушалмаган орзу-умидлари кўп бўлади. Юракларида армон сақлашиб қолади.

Қалби яхши орзулар билан тўла ота-она бағрида яшаган фарзанд ёмон ишлардан ҳазар қилади. Унинг қалбидан ҳам эзгу ниятлар ўрин олади. Бундай оилаларда болаларга яхши одатлар ота-оналардан ўтади ва томирга етади. Аста-секин бутун вужудига сингади.

Болалигидан яхши орзуларни кўнглига жо қилиб яшамаганлар ҳаётдан ўз ўрнини, тўғри йўлни топа олишлари қийин. Фарзандларимиз қалби бум-бўш бўлса, уни қонунлар билан ҳам, сиёсий ислохотлар билан ҳам тўлдириб бўлмайди.

Хўш, бола тарбиясида ота-оналар асосий эътиборни нималарга қаратишлари керак? Катталар доимо банд, ўз фарзандлари билан гаплашиш, ўйнаш у ёқда турсин, дарс тайёрлаётган пайтида унда туғилган саволларга жавоб беришга ҳам вақт тополмайди ёки турли баҳоналар билан бош тортади. Натижада бола дарсини тўла бажара олмайди, эртасига ёмон баҳо олиши мумкин. Бу эса унинг ўқишдан совушига, дарсларга қатнашмай қўйишига сабаб бўлиши мумкин.

Фарзандлар ҳам ўз навбатида ота-оналарига қўлдан келганча ёрдам бериш учун катта имкониятларга эга. Лекин улар бу имкониятлардан ва вақтдан унумли фойдалана билмайдилар. Натижада бекорчилик вужудга келади. Бекорчилик эса турли интизомсизлик ва бебошликни келтириб чиқаради, ҳатто болаларни жиноят курсисига чаклаб боровчи манбадир. Уларни меҳнатпарварлик руҳида тарбиялаш келажакдаги бахтиёр турмуш эшигини очиб берувчи қалитдир.

Айрим ота-оналар болаларидан ақлли бўлиб, аълочи бўл деб фақат талаб қиладилар, лекин уларга етарли амалий ёрдам кўрса-тишмайди. Бола уй юмушларини бажараётганда хато қилиб қўйса, унга ўшқиршилади, лекин нима учун хатога йўл қўйганингни ётиги билан тушунтиришга оқилоқ қиладилар. Бундай ҳолларда ота-она жуда кўп куч сарф қиладилар, асабийлашади. Бироқ бола тарбиясида ўз олдидиларига қўйган мақсадларига эриша олмайди. Табиий равишда нима қилиш керак, деган савол туғилади.

Сен бугун мактабда нималар билан шуғулланидинг? Дарслар мароқли бўлдимми? Қўндалик дафтарингни бир кўрсат. Уртоқларинг нима билан банд бўлишяпти? Уй вазибаларини тайёрладингми? Уқув қуролларинг шайми?..

Бу каби саволлар асосида суҳбатлашиб туриш, уларнинг нималар билан бандлигини суриштириб туриш, зарур ҳолатларда маслаҳатни аямаслик, ўғил-қизларни ноҳўя ишлардан асрашда жуда қўл келади.

Афсуски, кўпинча катталарнинг шу хилдаги ишларни бажаришга вақтлари етишмайди ёки вақтлари бўлса ҳам бундай суҳбатларга лоқайдлик билан қарайдилар. Уғил-қизларини негадир мендан бегоналашиб қолдилар, деб бунинг сабабини тополмай қоладилар. Аслида бунга ўзлари сабабчи эканликларини тан олмайдилар.

Болалар ўйнашлари керак, албатта. Лекин ҳамма нарсанинг чегараси бўлганидек, ўйиннинг ҳам чегараси бўлади. Ўйин билан меҳнат бир-бирига чамбарчас боғлиқ ҳолда ташкил этилиши лозим. Маълумки, ўйинга ҳаддан ташқари берилган болаларнинг меҳнатга бўйинлари ёр бериб қўйиши мумкин. Бу иш асосан онада, сўнгра мактабда амалга оширилиши керак. Болага ўйинга вақт ажратилганидек, меҳнатга ҳам вақт ажратмоқ шарт. Муҳими, болада меҳнатга бўлган муносабат ўйинга бўлган муносабатдан жиддийроқ бўлишига эришиш зарур.

Майли, кийимларимиз ямоқ кўрмасин, лекин тарбиямиз бугун мана шундай ямоққа муҳтож.

Ўзбек халқ иримлари аждодларимизнинг яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик, ҳаёт ва ўлим ҳақидаги қадимий эътиқодий қарашлари асосида юзага келган бўлиб, қўндалик турмушда уларга амал қилиш ўзига хос анъана ҳисобланади.

Филология фанлари номзоди Маматқул Жўраев ана шу қадимги қадриятларимизни

оммалаштиришдек хайрли ишга қўл урди. У қарийб ўн йил давомида халқимиз орасида маълум бўлган ирим-сириллар ва улар билан боғлиқ айтим ҳамда аломатларини жамлаб, «Ўзбек халқ иримлари» мажмуасини яратди. Бугундан эътиборан ана шу тўпламга киритилган айрим иримлар билан сиз, муҳтарам муштарийларини таништириб босамиз.

Аждодлар ўғити

## ЎЗБЕК ИРИМЛАРИ

Чақалоқнинг бошига, устидан ёнғоқ мағзи сочилса, бу бола улғайгач, сермағиз, яъни сарфарзанд, ували-жували бўлади.

Чақалоқни илк бор чўмилтираётганда тоғорадаги сувга кумуш танга ташланса, бола улғайганда бой-бадавлат бўлади.

Чақалоқни илк бор ювинтираётганда энг аввало юзи ювилмаса, улғайганда бети қалин бўлиб қолар экан.

Чақалоқнинг тирноғи биринчи марта қафтига икки танга қўйиб олинади.

Чақалоқнинг тирноғи илк бор олиниётганда агар ўғил бола бўлса, улғайганда мулла бўлсин деган ниятда китоб устида олганлар.

Чақалоқ уйкусида босинқираб, ухлай олмай чиқса, уч марта: «Туф-туф-туф!»— дейилади.

Чақалоқ уйкусида босинқираб, ухлай олмай чиқса, кўйлагининг ипидан бир парча узиб олинади-да, устига ташлаб қўйилади.

Чақалоқ кекирса: — Эмган сутинг ош бўлсин, укаларига бош бўлсин!— дейилади.

Чақалоқ акса урса: «Пир бўлсин, бува бўлсин!»— дейилади.

Ичида чақалоғи бўлмаган беланчакни ёки бешикни тебратса, боланинг қулоғи оғрийд.

Туғиб, боласи турмаган хотинлар боласи ўсиб-унган аёлларнинг кийим-кечақларини (масалан, қўйлак, лозимларини) сўраб, кийиб юрсалар, улар ҳам ували-жували бўлиб кетади.

Ҳомиладор аёл сақич чайнаса, боласининг қулоғи оғрийд.

### ТАБРИКЛАЙМАН

Синглим Дилоромхон! 16 баҳоринг муборак бўлсин. Чехрангдан кулгу аримасин. Опанг Барно Ғаллаорол.

### ҚАЙДАСИЗ!

90-йилларнинг бошида Қибрайдаги (Тошкент) комсомол «Меҳнат — Рохат» лагерига дам олган дўстларим, мени унутмадингизми! Эслайсизми? Исларимиздан бир қулоч сўз ясагандик. Муллабукулмуродноҳойжамолшоҳсултоналижон. Узилишб кетмайлик. Муроджон Жонбеков. 713100. Фарғона вилояти, Киров тумани, Октябрь 60 йиллиги даҳаси, 12 уй, 7-хонадон.

ЭЪЛОНЛАР ТЕКИНГА ЧОП ЭТИЛМОҚДА

Қандай яшайсиз?



— Эшқобил ака, аввало сизни барча муштарийларимиз номидан Усмон Носир мукофоти соҳиби бўлганлигингиз билан қўлаймиз. Айтинг-чи, кўнглини ҳор қилган «гулзор, чаман»да сизни не ўйлар қўраб турибди!

— Қутлов учун ташаккур. Бевосита саволга ўтсак, сиз айтган ўйлар поёнсиз. Умрнинг таъми ҳам шундан. Ҳозир ҳамма тирноғидан сочига қадар муаммага кўмилиб ётибди. Бизнинг бу алғовдалгов замонимизда ҳаттоки, аксиомалар ҳам муаммага айланди, параллеллар ҳам масала талашиб қолди.

Бир парча нон, тўртта қандан тортиб, миллат ва Ватан тақдирига қадар муаммо... Кимнингдир бошида егулик ва кийим-кечак ташвиши бўлса, яна кимнидир аросатда тентираётган халқнинг аҳоли руҳияси куйдиради. Бир қўлтам сув муаммоси билан бутун Орол муаммоси узвий боғлиқ бўлганидек, деҳқоннинг дастурхонидаги бир парча нон билан халқ ва Ватан истиқболи ҳам боғлиқдир.

— Элимиз сизни шоир деб билади. Ойнаи жаҳонда берилган «Олтин бешик» кўрсатувидан сўнг сиз яна ҳам кўнглиларни сўйдирдингиз.

— «Олтин бешик» кўрсатуви мустақиллик умидида яшаётган халқнинг тарихини ўзига эслатиш мақсадида юзага

ЭШҚОБИЛ ШУКУР:

## ХАЁЛ ВА ҲИЖРОНДИР НОНУ ТУЗИМИЗ

ик. Ҳар кимнинг  
и?», «Бола-чақани

бўлганимда, ав-  
зиқдим. Хўжалик  
елган мўмай даро-  
ҳимоя қилаётган-

чиққан эди. «Олтин бешик»нинг қаҳрамони — халқ. Бизнинг тарихимиз нечоғли улғувор тарих эканлигини ҳали ҳис қила олганимизча йўқ. Хўжа Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбандий, Абдуҳолик Гиждувоний, Имом ат-термизий каби улғуларимизнинг номларини халқимизга эслатиш, уларнинг яшаб ўтган манзилгоҳларини ойнаи жаҳонда кўрсатишни (албатта, имкон даражасида) шарофли деб биламан.

— Эшқобил ака, пойдевори кўрқувдан қурилган салтанат худбинлик уруғини қадар экан. Шундай эмасми!!

— Саволингизга жавоб беришдан аввал буюк зот, шайх Баҳовуддин Валоднинг ушбу сўзини ёдга олиб ўтишни истардим. У киши демишлар: «Худбинлик ҳукмрон салтанат — салтанати ландиндр». Биз худди ўша ландинданнинг беабон қулларимиз. Ҳаёт тонги доим оқ бўлиб отиб, қонга бўялган ҳолатда ботибди. Ана шу ораликда яхши-ёмон кўрашади. Енгади, енгилди... Одамлар ўзларига таскин бериб яшади. Бундан ўзга чора қолмади-да, ахир!

— Бир шеърингизда ёзганингиздек «Беш юз йил нарида ҳақиқат ётиб, беш юз йил берда лақиллатаётган ёлгон» эътиқоддан айирди элимизни...

— Дунёнинг ишлари доим одамларни лолу ҳайрон қилган. Қизиқ, кеча айтган гапингни бугун минг бир ўйлар билан тилга оласан. Балки бу ҳам тараққиётнинг мевасимикан, билмадим. Лекин шунча ишлар рўй берадики, ҳатто кимлигини унутиб қўясан, киши.

Миллат нима бўлганда ҳам ўзлигидан айро тушмасин. Шундагина биз ўзлик Дунёимизни ростлаган бўламиз.

— Эшқобил ака, элимизга эш бўлаётган «Олтин бешик» кўп ўтмай «Айрилиққа» юз тутди. Бунга нима сабаб бўлган эди!

— «Олтин бешик» эзгу ният билан бошланган иш эди. Узингиз ўйланг, сурхонликлар фарғоналикларнинг аёнчаларини билса, фарғоналиклар эса сурхонликларнинг, тошкентликлар қашқадарёликларнинг, қашқадарёликлар эса хоразмликларнинг урф-одатларини ўргансалар бунинг нимаси ёмон?! Айрилиққа етаклаганлар эса халқнинг кечмишини тупроққа қорганлар, миллат нелигини билмаганлар бўлди.

Шу боис кўрсатув етти ой ойнаи жаҳон юзини кўрмади. Ушанда ҳам бизни умид тарк этмаган эди. Худого шукур, «Олтин бешик» яна бағримизда.

— Бир шоир сифатида сизнинг ҳозирги давр шеърини ҳақиқатда фикрларингизни билишни истардик.

— Ҳозир кўп шоир дўстларимдан «Ёзаясизларми?» десам, аламли бир овозда «Йўқ», деб айтишади. Менинг ўзим ҳам кам ёзаялман. Лекин бу ҳолни шоирларнинг юракларида шеър камайиб борапти, деб тушунмаслик керак. Мен аминманки, яхши шеърлар отилиб чиқадиган кунлар яқин қолди. Шоир Мирза Кенжабекнинг бир сатри бор: «Қураш биздан — умид худодан».

— Оилангиз ҳақида ҳам икки оғиз сўйлаб берсангиз. Оилада ҳам шоирмисиз!!

— Оилами?! Ҳамма қатори мен ҳам бир рўзгорнинг эгаси, Аллоҳ ато этган икки фарзанднинг отасиман. Уғлим Меҳриддин 7 ёши, қизим Маҳкамтош — 3 ёшини қаршилашди. Оилада ҳам шоирликни қанда қилмайман. Болаларимга ва уларнинг онасига Мирзо Бедил, Навоий, Румий каби боболаримизнинг сўзларини, ривоятларини, ҳадисларни ўқиб беришни яхши кўраман. Хуллас, яхши ниятлар билан шовқин-суронсиз, жимгина яшаймиз.

— Эшқобил ака, ноқулай бўлса-да сўнгги саволини берсам. Одамлар «Эшқобил пулдор бўлиб кетди-ё» дейишади. Шу гап ростми! Муаллифлик ҳақида неча пул оласиз!

— Олимжон, очигини айтганда бу гаплар сал ҳақиқатга яқинроқ. Ҳақиқатга яқин деганим, фоҳиша аёлнинг бир кечалик «иш ҳақи»ни бизлар 30-40 кунда топамиз. Шунча кун елиб-югурганингиз бор-йўғи 700-800 сўмини ташкил этади. Узингиз ҳисоблаб олаверинг, ким пулдору, ким...

Бошқа гапни қўйинг, ҳаммамизнинг уйимиз бўғдойга, кўнглимиз эзгу туйғуларга тўлсин.

Бир парча нон бўлмас балки сўзимиз, Ва лекин, ошиқмиз, ошиқмиз. Бир қўлтам сув бўлмас балки кўзимиз, Ва лекин ошиқмиз, ошиқмиз. Хаёл ва ҳижрондир нону тузимиз, Воҳ, бул кун ошиқмиз, ошиқмиз. Не тонг кўнгли бўлди ризқу рўзимиз, Эртан ҳам ошиқмиз, ошиқмиз. Йўқ бўлиб кетсақда тамом ўзимиз, Сўнг яна ошиқмиз, ошиқмиз.

Олим ТОШ сўхбатлашди

## ҚИШЛОҚЛАР ЎТКИНЧИ

— Турмушимиз ўртача. Эски йилни яхши якунладик. Беш минг тоннадан ортиқ пахта сотдик. Сабзавот, мева, ғалла, пилла, чорвачиликдан олинган маҳсулотлар ҳам даромадли бўлди. Соф фойда ўн бир миллионни ташкил этди. Одамларнинг ўртача ойлик машоғлари ҳар ойда 700—800 сўмгача борди. Олдинги йилларда ҳам бу 300—350 сўм эди. Бундан ташқари, кўпгина оилалар пудрат асосида ишлаб йиллик якунда 70—80 минг сўмгача мукофот пули оляпти. Масалан, бригада бошлиғи Қурбон Набиев оиласи билан юз минг сўм атрофида даромад олди. Бу ҳалол меҳнат натижаси.

— Қимматчилик шароитида деҳқонларга хўжалик томонидан қандай ёрдам берилляпти!

— Хўжалигимизда етти ярим минг аҳоли яшайди. Ҳозирги кунда

омборимизда 60—70 тонна бўғдойимиз бор. Деҳқон оилаларига ғалла берилмоқда. Бўғдой тортадиган тегирмон ҳам ишлаб турибди. Аҳолига 24 та қорамолни давлат баҳосида сотдик. Ёрдамга муҳтож 4 хонадонга эса тўртта қорамол бепул берилди.

Хўжаликда истиқомат қилаётган барча қарияларнинг нафақаларига қўшимча равишда яна 50 сўмдан пул бердик: тўрт минг бош жўжа арзон нарҳда сотилди. Ёрдамга муҳтож хонадонларга давлат ҳисобидан уй қуриб берилди.

Яхши ўқийтган ўқувчиларга рабатлантириш учун стипендия берялмиз. Масалан, 1-4 синфгача 10 сўм, 5-9 синфгача 25 сўм, 10-11 синфларга 30 сўмдан. Худого шукур, қиммат бўлсаям дастурхонимиздан ҳали барака кетгани йўқ. Кетмасин ҳам.

— Даромадлар яхши экан. Қишлоқлар ободончилиги учун нима ишлар қилинляпти!


— Учта катта қишлоқ бор. 56 километр қувур тортилди. Хонадонларни газлаштирялмиз. Бундан ташқари, ҳар бири 624 ўринли иккита мактаб, ҳаммом, чойхона қурилмоқда. Кўчаларимизнинг кўпи асфальт қилинган. Бешта гўшт дўкони бор.

Давлат хўжалиги 1979 йилда ташкил этилган. Мейли аканинг раҳбар сифатида иш бошлаганига бешинчи йил кетяпти. Асл касби муаллимлик. Айни пайтда қишлоқ хўжалик олийгоҳини сиртдан тугатиш арафасида. Хўжалиги сингари оиласи ҳам катта. Ўн нафар фарзанди бор.

— Бу қийинчиликлар ўткинчи. Ҳаётимизнинг эртага яхши бўлишига ишонаман, — дейди Мейли ака.

Норқул ТИЛОВ  
Қашқадарё вилояти

# ПАРАНЖИ!



Сарлавҳага кўзи тушган (юзи очик-ку!) аксарият қиз-

жувонларнинг пешоналари тиришиши, ҳатто эр, ота, акаларнинг-да қовоғи уюлиши турган гап.

«Сира ёпинмаймиз!»— дейди бир овоздан қиз-жувон, хотин-халаж. «Эс-ҳуши жойидами ўзи!»— дея шубҳаланишда эркаклар ҳам. Йигитлар: «Бўлмаган гап!»— дейиши аниқ, қизчалар эса қўлларини паҳса қилганича қарғаш, кексалар «Энди қийин...»— дея қўл силташ, кампирлар хўрсиниб қўя қилишлари мумкин.

Нега шундай? Нега ҳамма паранжини бунчалик ёмон қўради? Аиниқса, паранжини умрида кўрмаганларнинг қаҳри-ғазабини! Шунчалик ёмонми у! Ёмон бўлса, неча юз йиллар давомида муслималаримиз томонидан нега ёпиниб келинди? Баъзи ислом мамлакатларида нега то ҳануз уни ёпинишади ва сира ташламоқчи эмаслар? Фойда-зиёни қанчалик ўзи унинг? Фойдаси борми?

ёзилишича, «Бегона аёлларга ташланган ҳар бир шахвоний назар шайтон ўқидура». Ул ўткинчи, йўловчи ҳовлидаги (паранжисиз) хотин-халаж узра шахвоний назар солмаслигига кафолат йўқ. Бас шундай экан, аҳли аёлини, париваш кизини «шайтон ўқидан» сақлаш, жоҳиллик эмасдир!

«Юзингда кўз изи бор, сенга ким боқди ёрим?!» Қандай ажиб ташбеҳли байт! Истардимки, у гўзал байт бўлибгина қолсин. Тилардимки, ҳеч вақт завжангизга қараб, дилингиздан кечмасин бу байт!

— Паранжи ёпинмаслигидан, баъзан ҳатто ярим-яланғоч «кичиник» билан аёлларимиз, қизларимиз эркаклар хиссиётини кун сайин бешафқат тарзда ўлдираётган. Пушти куяятти уларнинг. Тугълаётган болаларнинг носоғломлигидан ҳам шу таъсир кучли. Зурриёт майдалашаётир. Менга келаётган кўпгина касаллар аҳолига, кузатувларимга кура айтялман бу гапларни,— дейди ташби.

Аёл киши қанча парда ортга яширинса, шунчалик сирли, латофатли, қўл етмас бўла боради. Дарвоқе, илгари паранжи ичиданги хонимнинг юзи, ҳатто бехос кўриниб кетган тўпигига кўзи тушсаёқ, йигитлар энгикишаркан. Шу қадар ҳиссиёт бахш этган паранжи. Бугун эса...

— Паранжи аёлларимизни турли касаллик, инфекциядан асраган. Диққат қилган бўлсангиз, аёллар паранжини ҳовлига ечиб, уйга кирди. Касаллик мабодо илашган бўлса ҳам ҳовлида қолади. Маълумки, паранжи ипандан тўқилади. Ипакнинг кийишга қулайлиги ҳам маълум. Хосиятли, шифо-

бахш таъсири эса кўпчиликка энди-энди маълум бўляпти,— дейди Мадийр ака яна таъкидлаб.— Қолаверса, дўхтирларнинг халатино оғиз-бурунларини дока билан микробларни тўсиб олишлари паранжи чачвоннинг кўпол равишда ўзлаштирилишидир. Айтгандай, аёлларгагина хос баъзи касалликларнинг паранжи кўмагида осон кечиши менга сир эмас. Ниҳоят, паранжи муслималарни кўш нури, ёмон кўз, турли юқумли касалликдан сақлашдан ташқари, ёзда саратону самум, кишда қаҳратон, қор-ёмғирдан асраши — ёмиргўш вазифасини ўташи ҳам сир эмас. Қизиги, у конденционир — ҳавонини мўътадиллаштирувчи вазифасини ҳам бажаради. Танадаги иссиқликни ёки совуқликни бир хил меъёрга сақлайди. Шунингдек, ташқи таъсирни мўътадиллаштириб беради. Тетиклики, бардам-бақувватликни таъминлайди, бинобарин, умрни узайтиради,— деб тугатади паранжининг фойдаси ҳақидаги хулосаларини Мадийр ака.

Мен паранжининг фойдаларидан сузлаётган Мадийр акадан ҳам кўра ундан фойдаланган момоларимизга, шуни қатъий талаб қилган мардона боболаримизга қойил қоламан, Аслида, энг қойил қоладигани — паранжининг ўзидир. Шундай эмасми? Шундай бўлса, бу кони фойда мерос сизга қачон есоқтаркин азиз очик юзли аёллар, кўзи очик (ростданми?) қизлар?..

Урол УЗБЕК,  
«Оила ва жамият»нинг махсус мухбири

— Бор,— дейди боболари Хоразмнинг зўр, нафаси ўткир табибларидан саналган, ўзи ҳам давримизнинг ном таратган табиби, сирли муолажалар соҳиби, кучли экстрасенс Мадийр Салоҳ ўғли ва бир-бир санай бошлайди. Мадийр аканинг сўзларини келтиришдан аввал, паранжи деганда-ноқ очик юзларингизнинг қаҳру ғазаб, камида истеҳзо билан нега тундлашаётганлигига диққатингизни тортсак.

— Паранжи деганлари ғирт эскилик сарқити-ку! Ҳамма кулади-ку! Фигура нарёқда турсин, юзимизни ҳам ҳеч ким кўрмайди, бунинг устига ичида куйиб ўлсак керак,— кулишади паранжи нималигини билмай ўсган, билишни ҳам хоҳламайдиган найча шиму, жинси-минсиларга бурканган замонавий ойматилларлар ё ҳомуза, ё сигарет тортганларича. Тасавурларида — паранжи — рўдаполик белгиси!

— Паранжида юрсак ҳамма кулади, қоп-қоронғи, аиниқса ёзда жуда иссиқ бўлса керак,— гумонсирашади аллақачон лозимую рўмолларини (кишилар кулмаслиги учун) одатдагидай (аслида одатимизга хилоф!) ечиб кишининг дилдирабгина юрадиган қизларимиз.

— Паранжида қандай ишлаймиш? Ҳатто юролмай ҳам қолсак керак. Ғузаям икки кунда тилиб ташлайди,— дейди қиш-ёз даладан бери келмайдиган юз-қўли тилиниб, ёрилиб, кафтлари пахтакор оталариники ёки акалариникидай тош қотиб кетган далачи сингиллар. Бошқа соҳа аёлларини айтмай қўя қолай. Аммо... Илгарини қўйинг, етмиш йил бурун ҳам эрлар аҳли муслиман бугунгидай оғир ишларга солмагани, ишларнинг оғирини ўзларига олишини эслаб ўтсак бўлади. Еш-яланғларнинг паранжини ёмон кўриб қилишларига сабаб «халоскорлар»имиз киноларда кўрсатганидек, китобларда ёзганидек, босмачиларнинг паранжини ёпиниб халққа босқин қилишининг тасвирланиши эмасми?! «Оловли йўллар» фильмидаги (ўзимизникилар ишлаган-а!) Ҳамзанинг қаҳри-ғазоби, паранжини ёқиш лавҳалари-чи! Ҳолбуки... Ҳолбуки бугун билсак, «халоскорлар» — босқинчилар, босмачилар эса — озодликчилар, эзгу урф-одатларимиз, ўзлигимиз учун курашган, ўз юрти, ерини қимчи қилганлар экан! Аслида муслимон босмачилар паранжи ёпинишни ор билишган, қизил айғоқчилар эса паранжи ёпиниб иш қўришдан тоймаган экан! Ҳамзанинг паранжини ташлаб, ўзини-қўли қилиши ёлғонлиги вақти келиб маълум бўлиб қолар. Машҳур «Хужум» ҳаракати ҳам нимага ҳужум бўлганини, биз бу ҳужумлардан кейин не нимадан айрилганимизни бугун бўлмас эртага аёнлаб етсак, тушунсак не ажаб?! Дарвоқе, ўшанда (60-70 йил бурун) киноларда кўрсатилганидек, ота-боболаримиз муслималаримизнинг паранжи ташлашларига нега тиш-тирноғи билан қаршилиқ кўрсатишди? Бежизгамиди? Нега ўшанда уларнинг пешоналари тиришиб, қошу қовоғи уюлган? Қизик, ҳозирги эркакларнинг пешоналари нимадан тиришиб, қош-қовоқлари нимадан уюлмоқда? Бежиз эмас эканлигини бугунги фожияларимиз маълум қилиб турибди. Етимхоналар кўпайгандан кўпайяпти. Ажраллилар... Кўз ёшлар... Уз-ўзини ўлдиришлар... Паранжига нима алоқаси бор буларнинг, дейсизми? Сизнингча, алоқаси йўқми? Ҳўп, парк-панани айтмай, кўча-кўйдаги ошқорча қучоқлашишу ўпишишлар-чи? Бети очик беҳавёларнинг кўпаяётганлиги ҳам ёлғонми? Ҳовузу сайхонликлардаги морж муслималар маънавий беэини? Беэин бўлса шоир нега надоматлар ила оҳ урмоқда:

Сизнинг юзингиздан чимматни олдик,

Ифбат пардасини олганимиз йўқ!

Ҳатто «Юз туман нопок эрдин яхшироқ, Пок хотинлар аёгининг изи» деган ҳазрати Навоий ҳам моржларни ёки ўз номи билан аталувчи опера-балет театрусидаги қарийб қип-яланғоч «Лайли»нинг оёқ кўтариб диконглашларини кўриб: «Кўзим чиқсун сени кўрганча бундоқ!» деган бўлмасидилар?! Ун тўрт кунлик ойда, деб таърифлашган ўтмишдаги муслималаримизни ўз ашъору ғазалларида аҳли шуаро. Ун тўрт кунлик ойга назар солгандирсиз: оппоқ, равшан, нур ёғилади. Унутмангки, ўша ой юзларини оразларини бугун сиз жуда ёмон кўрадингиз паранжи ичинда оқу озода, латифу нурлик ҳамда ҳаёлик сақлаган эдилар.

— Аёл кишининг танасию руҳи ойдан яралган, шул сабаб ойдан илоҳий нур, куч-қувват олади, дейди инсон вужудино руҳиятининг сирли томонларини чуқур ўрганаётган Мадийр ака. Ой кўрди ибораси ҳам моҳиятига кўра теран. Қуёш нури эса аёлларни қорайтирибгина қолмасдан ҳалокатли таъсир ҳам кўрсатади. Отнинг думидан тайёрланган чачвон эса қуёшдан, ёмон назардан ташқари, ёмон кўздан сақлайди,— деб давом этади ташби.

Зеро, кўз тегмасин деб чақалоғу ёш болалар қўлига кўз мунчоқ, бўйинига тумор тақишлари бежизмас. Полвонларнинг ҳам кўзимаслик учун қўлтиги остига тумор тақишлари бекоргами?

Достонларимизда куйланган «... бир қараб, талогини ёриб ўлдирди»лар ҳам балки бўлган гапдир.— Шубҳаланманг, кўз тегиши, кўзичиши, ёмон назарнинг инсон, аиниқса, аёл руҳига, храмасомаларига таъсири жуда ҳалокатли. Тасавур қилинг, кўчадан кетворган қадду қоматли, равиш-рафторли дундиқ аёл ёки қиз ўятапти. Ёмонроқ назар солдингиз ёки кўнглингиздан бузуқроқ ҳаёл, ўй кечди. Тикилиброқ қараганимиз, шу лаҳза ҳар қандай очик аёлнинг юзиде нимадир липиллайди, равиш-рафтори маълум муддат ўзгаради. Сиз ёмон назару ўйларингиз билан унинг электробиомайдонига, руҳига таъсир қилдингиз. Ажабланманг, унинг ҳам кўнглидан маълум муддат нотузук ўй, фикр кечди. Ёмон — баъзан бу ноқис фикр уни анчагина тарк этмаслиги, баъзан, умуман тарк этмаслиги мумкин. Паранжи эса уларни ана шу фожиялардан ҳам асраган.

Ёмон назар ҳақида ўйларканман, шоирнинг Гулмат тилидан айтган: «Унг кўзим ёр юзини кўмсар, чапи кўмсайди белроқини» — сатрлари тилимда айланади. Азиз ўқувчи, кўча-кўйи ва бошқа ердаги кузатувларингизни таҳлил қилсангиз сизга ҳам табибнинг бу хулосалари даҳшатли туюла бошлаши табиий. «Худо таъва, ўзинг кечир!» Истиғфор келтирдирингизми, энди ҳадисларга тикилинг-чи: «Хотинлар эрларнинг ярим қисминдирлар». «Хотинларда эрнинг ҳаққи кўпроқдир...» Ана энди айтинг-чи, яхшимиз Сизнинг «ярмингиз»га кўз олайтиришса?! Асрашга ҳаққингиз бордир? Уқинг, ўқияйсизми?! Қаранг, боболар нималарга амал қилган, сиз яна нималарга ҳаққисиз? Ҳатто: «Бир одам рухсатсиз бошқа бир қавмининг уйи ичига қараса, ўй ҳожиси унинг кўзини ўйиб олиши ҳалолдир».

— Бобомнинг айтишича, илгарилари (аҳли муслима паранжи ёпинадиган маҳаллар) Зомин кўчаларидан от ё туяда ўтган киши албатта улувидан тушиб, уни етаклаб ўтиши керак экан, бўлмаса жанжал чиқиб калтак еб қолши ҳеч гап эмаскан,— дейди зоминлик Шодмон бобонинг невараси Алибек. Бу мардона мардумнинг опа-сингил ёҳуд уз тан маҳрамини ёмон назардан, номаҳрамдан асрашга интилиши, шаъни, номусини ҳимоя қилиши имонлигидан далолат эмасми?! Зеро, «рашк-имондандур» (ҳадисдан). Яна ул ҳадиси шарифда

# САДАҚА ҚИЛИНГ

Бу манзарага кўп дуч келасиз. Шаҳарларнинг шоҳбекатларида, ер ости йўллари, ўтиш жойларида, бозор-ўчаларда, катта кўчанинг чеккаларида. Баъзан кўл-оёғи соғ банда, баъзан йиртиқ-ямоқ кийинган болакай, баъзан жисмонан нуқсонли биродарларимиз тиланиб ўтирган бўлади: «Худо хайрингизни берсин, садақа қилинг, яхшилар!» «Садақа-радди балол!»», «Баҳовиддин йўлига садақа қилинг!», «Машойхлар айтмишлар, Баҳовиддин балоғардон, сақлағай минг балодан...»

Бир пас тўхтайсиз. Қўлингиз чўнтагингизга боради. Майда чақангиз бўлса, шу мўмин бечорага ташлаб ўтасиз. Майдангиз бўлмаса эшитманганга оласиз. Шуниси маъқул...

Қизиқ дунё-да. Ҳазорасп бозорида девоналик қилиб юрадиган бир чол

на-ю тиланчининг уруғи кўпайган. Яхшиликча сўраниб қолишмайди. Ёш-ёш болалар, афтода кийинган аёллар бурнингиз тагига қўлини чўзиб келади.

Ҳали уйма-уй юриб тиланчилик қилиб юрганларини айтмаяпмиз. «Тармоқ»нинг бу хили кун аро авж олиб бормоқда. Олдинлари фақат дўилар шу зайл тирикчилик қилишарди. Эндигиларининг насли-насаби ҳам, миллати ҳам турфа хил.

«Тиланчилар худонинг ночор бандалари бўлишган!» дейди кўпни кўрган қария.

Шу боис пайғамбаримиз ҳам, Оллоҳ ҳам тирикчиликнинг бундай турини маъқул кўрмаганлар... Муҳтож бандаларга садақа бериш бошқа-ю,



Суратда: Қўшни мамлакатдан келиб, «иссиқ жой» топган тиланчи. Унинг тўрт мўчаси ҳам соппа-соғ. Суратчи: Абдугани АБДУРАҲМОН ўғли.

бўларди. Айтадигани: «Баҳовиддин пирим йўлига хайр қилинлар!» Ёмон туш кўриб, худо йўлига садақа айтган иримчи хотин ҳам, иши ўнгланиб, омади чопган савдогар ҳам, тафтишчидан омон қолган каззоб ҳисобчи-ю, олғир дўкончи ҳам атаганини шу чолга бериб, дуо олишарди. Чол майда чақаларга беписанд боқарди.

Ичинг ачишади. Ҳеч кими йўқ бандадир. Давлат берадиган арзимас нафақага тирикчилик қилиб бўлади-ми?

Танишларидан эшитдим. Девона чолнинг бир-биридан забардаст ўғиллари бор экан. Чол ўз «қасби» орқасидан ўғилларига иморат солиб берган, машиналар мингазган. «Ҳар бозор кунни тўрт юз сўм атрофида топарди. Бир ойда минг ярим денг. Бу миқдорни министр ҳам ололмайди», — изоҳ берди чолга қўшни бўлган танишим.

Булар кечаги гаплар. Бугун-чи? Бугун кечагидан ҳам баттарроқ. Дево-

уни тиланиб олиш бошқа. Биринчиси — савоб, иккинчиси — гуноҳ.

Мақолани ёздиму, иккиланиб қолдим. Муҳтож бандаларнинг тирикчилик учун шундан бошқа иложлари йўқдир. Қимматчилик замонасида совуқда, иссиқда кун бўйи ўтириб топгани — уйдаги уч-тўрт қорақўзига оби-ёвғон бўлар. Орияти бор, имкони, шароити бўлган одам боласи тиланчилик учун қўл чўзмас. Юзи чидамас.

...Шаҳардаги вақтинчалик макон — меҳмонхонага қайтаман. Йўл-йўлакай метрода пул майдалатишни эсдан чиқармайман. Негаки, шу арзимас масофа — икки чақирим йўл устида ҳам уларга албатта дуч келаман. Қулоқларимга таниш овоз чалинади: «Садақа қилинг, яхшилар!» Беихтиёр қўлим чўнтагимга боради...

Рўзимбой ҲАСАН

Қандай ҳолларда болани фарзандликка асраб олиш мумкин!

Фарҳод МАНСУРОВ, Бухоро вилояти

Ўзбекистон Республикаси «Оила ва никоҳ» мажмуасининг 134-бандида «Фақат вояга етмаган болаларни ва уларнинг манфаатларини кўзлабгина фарзандликка олишга йўл қўйилади. Болани фарзанд қилиб олишни истаган шахснинг илтимоси бўйича халқ депутатлари, туман, шаҳар, шаҳар кенгаши ижроия кўмитасининг қарори билан берилади», деб кўрсатилган.

Қайси ҳолларда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинади!

Дониёр КАРИМБЕРГАНОВ, Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси «Оила ва никоҳ» мажмуасининг 83-бандида шундай деб кўрсатилган, яъни «Ота-она ва улардан бири болаларни тарбиялашга доир мажбуриятларни бажаришдан бош тортса ёки ўз ота-оналик ҳуқуқини суистеъмол қилаётганлиги, болалари билан шафқатсиз муомалада бўлаётганлиги, ўзининг ахлоқсизлиги, жамиятга зид хулқ-атвори билан болаларига зарарли таъсир ўтказётганлиги аниқланса, шунингдек ота-она ичкиликбозликка ёки гиёҳвандликка муттасил берилиб кетган бўлса, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинади.

## СЎРАГАН ЭКАНСИЗ

Маст ҳолатда жиноят қилинган бўлса, айб енгиллашадими!

Умарали СОБИРОВ, Урганч шаҳри

Агарда маст ҳолатда жиноят қилинган бўлса, бундай шахс жиноий жавобгарликдан озод этилмайди, балки уни қонун бўйича жавобгарлигини белгилашда ва жазо тайинлашда шахснинг айбини оғирлаштирувчи ҳол деб топилади. Ушбу қонун талаби Ўзбекистон Республикаси жиноят мажмуасининг 12-бандида ва жиноят муҳокама қонунининг 39-бандида батафсил кўрсатиб ўтилган.

Саволларга Тошкент шаҳар Адлия Бошқармасининг катта маслаҳатчиси Улмас МИРАҲМЕДОВ жавоб берди.

## ОТ МИНИНГ

Белни доимо маҳкам боғлаб юриш шаҳватни ҳаяжонга келтиради. Икки оёқни иссиқ тутиш эса жинсий алоқага ёрдам қилади, чунки у ҳароратни баданнинг таъқи томонига ёяди. Отда доимий юриш эрлик қувватини кучайтиради.

## ЎГИЛМИ, ҚИЗМИ?

Агар ҳомиладор аёл чап томонидан оғирлик ҳис қилса, ҳатти-ҳаракати оғир ва вазмин бўлса, қиз туғилади. Агар ўнг томони оғир бўлса, ҳаракатлари тез ва чаққон бўлса, ўғил туғилади.

## ЯХШИ НИЯТ

Жимоъ пайтида барча ғам-ғуссадан фориг бўлиб, чиройли нарсанинг сувратини кўз олдига келтириш зарур, шунда бола чиройли бўлади. Борди-ю, жимоъ вақтида хунук кўринишли сувратни ёки бошқа нарсани кўз олдига келтирилса, тасаввурдаги нарсага мувофиқ фарзанд туғилади.

Нақл қилишларича, бир киши жимоъ қилаётганда илон ҳавфи бор эди ва ҳаёлида шу нарса бўлиб, фарзанд туғилганда илонга ўхшаш туғилди.

## ЙЎТАЛНИНГ ДАВОСИ

Букрот ҳаким айтади: «Кимки шолғомни нонуштада иссиқ-иссиқ еса, кўкракни юмшатади, йўтални қувади, овозни очади. Ҳар ким анжирни қайнатса ва сувини ичса, йўтални қувади, қуруқликни ҳам қувади».

## ЛУҚМОНИ ҲАКИМ ДЕЙДИ:

— Насихат бобида уч мингта сўз ёздим, уч мингтадан уч калимани ташлаб олдим. Бу утадан иккитасини эсда сақла ва бирини унутиб юбор, яъни Худони ва ўлим ҳақлигини ёдингда тут, қилган яхшилигингни унут!

## ЭНГ ЯХШИ ДАВО... МУҲАББАТ

✶

Ғарбий олмониялик шифокорларнинг аниқлашича, тумов айни авжига чиққан пайтда севишганлар тиббий ёрдам сўраб шифокорларга кам мурожаат қилишар экан. Бундай кишилардаги аъло кайфият, эҳтиросга тўлиқ онлар шамоллашнинг олдини оладиган кортизон гармонининг кўпроқ ажралиб чиқишига таъсир қилади.

Финландиялик руҳиятшунослар изтироб, ҳаяжонлар авжига чиққан замонамизда жинсий алоқа фаол муҳофаза

вазифасини ўтайди, деган хулосага келишди. Аммо тартибсиз ва тасодифий жинсий алоқалар эмас, чунки улар руҳий ҳаловатга путур еткази.

Италиялик мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, ҳозирги пайтда ҳар беш нафар оврупаликнинг бири уйқусизликдан азоб чекаркан. Бунинг асосий сабаби ёлғизликдир. Оилавий ҳаёти кўнгилдагидек бўлган кишиларда эса уйқунинг ташвиши йўқ.

# БЕВАЛАР

Машхур эркакларнинг аёллари ўзига хос дунёда яшайдилар. Лекин таниқли-ю номаълумга ҳам, бой ва гадога ҳам теппа-тенг бўлган бандлик, ажал бу аёлларга бевалик синовларини рўпара қилди. Бу мақолада тилга олинганлар орасида биринчи бўлиб бевалик қисматига дуч

келган Бегим ёлғизликнинг нима эканлигини чуқур англаган аёллардандир. Машхур бевалар бирданига ақл бовар қилмас даражада катта бойликка эга бўлиб қолишган. Уларнинг даҳо эрлари билан фахрлини юриш улар ҳаётининг асосий мазмунига айланиб қолган.

## БЕГИМ

— Эрим билан ўтган умримнинг ун беш йилини фақат юриб ўтказдик. Биз ҳамisha сафарда бўлардик, — дейди Бегим. — Энди эса бир маромда ҳаёт кечираялман.

83 ёшга кирган Бегим (исмоилияликлар уни маъбуда деб аташади) Канн шаҳридаги Людовик XV услубида жиҳозланган бир қаватли уйини деярли тарк этмайди. Айни мана шундай мулк, иморат унинг эри Ога Хонга ёқарди. У Ога Хонга 1944 йили 38 ёшида турмушга чиққан эди.

Эллигинчи йилларда Бегим (фуқаролик исми Иветт Лабрусс) тикувчи ва тайёр кийимларни кийиб кўрсатувчи аёл, «Фарангистон гўзали» бўлиш билан бирга Сарайя, Рита, Хейверт, малика Маргарет, Элизабет Тейлор, Ева Хәрндер ёки Марлен Дитрих каби оманинг назарига тушган севимли занжалардан эди. Бегим ана шу сара аёллар гуруҳининг бир вақилиси сифатида урушдан кейинги авлоднин чиндан ҳам сеҳрлаб олган эди.

Унинг эри ўз фуқароларидан олтинга тенг бўлган миқдорда пул олиб турарди. 1957 йил 11 июлда Ога Хон қазо қилгач, Бегимга ундан жуда катта миқдорда мерос қолди.

Ога Хонга эрга чиққандан сўнг мусулмонликка юз бурган Бегим ўзига хос ҳаёт оқимиға кўшилди. Бадавлат кампир нималарга қизиқади? У фазога саяҳат қилсам, дейди.

— Мен илм-фаннинг шарофати билан ажойиб бир даврда яшаялман, деб ҳисоблайман, — дейди Бегим. — Ёшим бир жойга бориб қолганига қарамасдан, юлдузлар аро сайр қилишни истайман.

## ЖАКЛИН ПАНЬОЛ

У ўзига тегишли бўлган қайси мулкда бўлмасин, чанг босган жомадонлар ва сандиқларни кавлаштириб, эрининг кўлэмаларини излайди. Ахир Марсель Паньол умрининг сўнгги кунига қадар, яъни 1974 йилнинг 18 апрелига қадар ҳам ёзишдан тўхтагани йўқ. Бева ни ёзувчи эридан қолган меросни топиб нашр қилдириш ҳақидаги мақсаднинг ўзи эмас, балки ўттиз йил биргаликда умр кечирган, у билан фахрланган, уни севган кишининг маънавий дунёсини тўла роқ англашга бўлган қизиқиш бу ишга даъват этади.

Жаклин Марсель Паньол билан илк бор танишганида 20 ёшли актриса эди.

— Бу қизнинг келажакга бор, — деган эди у ҳақида талабчан киноччи Жюль дўсти Марселга.

Марсель Паньол вафот этгандан бери Жаклин ўз туғилган тупроғига маҳкам боғлиқ бўлган эри ҳақидаги хотиралар билан яшамоқда. «Инсон дарахтга ўхшайди: агар у томирларини йўқотса ўлади», дерди адиб.

Жаклин эрининг «Севги фасли» асарини қайта нашр қилишга ижозат берди. Беш юз минг нусхада

чоп этилган бу китоб тўрт ой ичида сотилиб кетди. 64 ёшли бева ўтмиш билан яшамоқда.

## ООНА ЧАПЛИН

63 ёшида унга 30 миллион доллар мерос қолди. У бир вақтнинг ўзига ҳам йўғлашга, ҳам қулишга мажбур қиладиган машхур жажжи инсоннинг фильмларини томоша қилишни яхши кўради. Унинг табасуми ҳали ҳам назокатга, нафосатга тўла. У ўзини сеҳрлаб олган Чарли Чаплин ҳақида мамнуният билан эслайди. Чаплин 54 ёшида уйланади. Ушанда Оона эндигина 18 ёшга кирган эди. Бу никоҳ учун отаси қизини меросдан маҳрум қилди.

Драматург Южин О Нилнинг қизи Оона камтарона шароитда тарбия олган. У Чарли билан Швейцариядаги мулкда яшади. Ёши бир жойга бориб қолган Чаплин ҳатто ўзи мустақил ҳаракат қила олмаган пайтларда ҳам улар бахтиёр ҳаёт кечиришди. У эрини юмшоқ ўриндиқли аравачада олиб юрар, тева-рак-атрофдагилар эса давр синовларига дош берган бу буюк муҳаббатга ҳавас билан боқардилар. 1977 йили Чарли Чаплин қазо қилгандан сўнг Оонанинг дунёси ҳам нураб тушди. Устига-устак болалар ҳам бирин-кетин уйни тарк эта бошладилар. Албатта, бош меросхўр бўлган Оона Чарли ишлаб топган 30 миллион долларга эгалик қилди. Лекин мулк ҳувиллаб ётибди. 63 ёшли Оонага эри билан бир-

галикда кечган 33 йиллик турмуш ва боғбоннинг ховлига ўйнаётган болалари кулгуси қолди...

Бош муҳаррир:  
Қулман ОЧИЛ

## ЛИЛИ РОССИ

Маълумки, қўшиқчиларнинг ҳаёти осон эмас. Фақат концертлардагина улар кўзингизга галташвишсиз кўринадилар. Лекин прожекторлар ўчиб, қарсақлар тингандан сўнг улар ташвишга тўлиб, ўзларига ҳам, бошқаларга ҳам шубҳа қиладиган мавжудотларга айланиб қоладилар. Бу ерда овозни ўйлаб қайгуриш ҳам, мухлисларнинг назаридан четда қолиш ҳақидаги хаёллар ҳам бор...

«Корсианинг иккинчи императори» деб ном олган Тино Россини сал нарсадан ранжитиш ҳам, фикр-ўйларини пароканда қилиш ҳам осон эди. Биргаликда кечган 36 йиллик ҳаёти давомида Лили ўз турмуш ўртоғини қийин пайтларда овулар, кўнглига таскин берар, қучига куч қўшарди. Росси саҳнага чиққан пайтларда у доимо бирга бўларди. «Кичик қорбобо» қўшиғи ёзилган пластинкасининг 30 миллион донасини сотган ва икки мингдан ортиқ қўшиғини ёздирган, шунга қарамасдан, қашшоқ бўлиб қолишдан мудом таҳликада юрадиган энг бадавлат кишилардан бирини қўллаб-қувватлаб; маъқуллаб туриш Лилининг қисматиға тушган иш эди. Ва яна шафқатсиз ўтиб боратган вақт, умр ҳақида ўйлаб гамага ботган эриға таскин бериш ҳам Лилининг чекиға тушган эди. Тино «кексалик» деган сўзни эшитишга тоқати йўқ эди.

40 ёшли Тино билан танишганида Лили 17 ёшда эди.

1983 йилнинг 26 сентябрида эри вафот этгандан бери Лили кўпчиликка аралашмайдиган бўлиб қолди, чамаси у кўшиқлар ва спектакллар дунёсидан таломадан узоқлашган.

Лили Наполеон услубида жиҳозланган каттакон уйида (Парижда) истиқомат қилади.

Моддий ташвишлардан йироқ бўлган Лили ўғли Лораннинг отасидек шон-шавкатли инсон бўлиши ҳақида ўйлайди. Невараси Константинни ўйнатади. Баъзан эса Тинога совға қилинган «роллс-ройс»ни кўришга боради. Унинг учун бу машина табаррук, гўзал хотирадир.

— Президент фармонларидан бу ҳўжалик маъмурияти беҳабарми! «Наврўз» ва меҳр-шафқат тараддуллари ни кўришдан мақсад шундай оилаларға ёрдам кўрсатиш-ку, ахир.

— Шунга ҳайронман. Ҳақ-ҳуқуқнинг талашмоқчи бўлсанг, «ғирт маълумотчисан, оғриманган бошингни оғрит-

## ТАҲРИР

ҲАЙЪАТИ:  
Жуманазар  
БЕКНАЗАР  
Дадахон  
ЁҚУБОВ  
Муҳаббат  
ИБОДОВА  
Абдушоми  
ИРИСБОЙ

(бош муҳаррир  
ўринбосари)  
Тўлқин ҲАЙИТ  
(масъул котиб)

## ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Қувондиқ  
БЕРДИЕРОВ  
Мейли  
ЙУЛДОШЕВ  
Рўзимат  
САФООЕВ  
Абсалом  
УСАНОВ  
Баҳодир  
ЭШОНХОНОВ  
Урол  
УЗБЕК

Тахририят  
келган хатларға  
ёзма жавоб  
қайтармайди.  
Шунингдек,  
фуқаролар  
билан  
ташкilotлар  
ўртасида  
воситачилик  
ҳам қилмайди.  
Газетамиз  
ҳомийлари —  
Ғаллаорол  
туманидаги  
«Ғаллаорол»,  
Муборак  
туманидаги  
Хитой давлат  
ҳўжалиги,  
Намангандаги  
«Тўқимачи»  
маданият  
саройи.

## МАНЗИЛИМИЗ:

700029.  
Тошкент — 29  
Намойишлар  
хивони,  
1-бино.  
Телефон:  
39-43-95  
Обуна  
индекси 84654  
Буюртма 42

## «БИР ЎЗИМ ИШЛАЙМАН»

«Шоликор» қишлоқ шўраси биноси. Ичкаридан бақир-чақир қилишди.

— Ҳов, Зарифбой ука, менга қара, уйда саккиз жонмиз. Ҳаммаси ҳали гўдак. Бири кийим, бири қанд, бири гўшт дейди. Қаердан топаман? Талон номи чиққандан бери қанд зотини кўрганмиз йўқ, чой ҳам бир марта берилди. Сизлардан умидим катта эди, лекин ҳаммасини бир пул этдингизлар. Эртага туман ижрокўмига чиқиб арз қиламан...

Бу ким бўлди? Ичкарига бош суқдим. У ҳўжалик тракторчиси Исмоил ака Раҳимов экан.

Кечкурун Исмоил аканинг уйига йўл олдим. Ҳақиқатини, унинг оиласига қишининг раҳми келади.

— Исмоил ака, аҳволингизни кўриб, нима ҳақда сўрашни ҳам билолмай қолдим. Ҳаммаси аён. Қанча маош оласиз?

— Ойликка келсак, турли хил. Лекин шу давлат ҳўжалигида ишлаб, ҳеч қачон тўла 200 сўм олиб кўрмаганман. Ёлғон бўлмасин, дон ташши, яъни кузги мавсумда зўрға

326 сўм ойлик олдим. Оилада бир ўзим ишлайман. Мана, катта қизимга пальто олишим керак. Пальто ҳозир минг сўмдан кам эмас. Ойлигим эса 140-150 бўлса.

Исмоил аканинг аёли Қурбоний опа Хайтиметова ҳам гапга қўшилди.

— Эрталаб овқат қилсам, ўғлим опа, гўшт солмасиз,

емайман, деганди. Кейин кичкина ҳам қўшилиб, гўшт ейман, деб туриб олса бўладими? Нима қилишимни билмай қолдим. Аҳволимиз шу бўлса, 30-40 сўмдан гўшт олишга қўрбимиз етмайди. Ахир даромад бўлмагандан кейин ҳайронмиз...

— Дўкондан маҳсулот оласизларми!

— Дўконга келган маҳсулотлар тўғри тақсимланмади. 18 октябрда Гурлан тумани ижроия қўмитаси ранси

Бахтиёр Юсуповнинг олдиға кириб, аҳволни тушунтирдим. Назорат комиссияси тузилиб, 19 октябрда дўконни текширишди. Сентябрь ойида халқ учун юборилган икки халта макарон дом-даракисиз кетган. Буни сотувчи Икром Урозметов ўзим учун олдим, халққа бермадим, деб тан олди.

Уй ичини кузатаман: девор сувоқлари тушиб, ниҳоятда эскирган пол тахталарни боссангиз «кичир-ғичир» этади. Том эса босиб қоладигандай... Янги олинган бирон буюмға кўзингиз тушмайди.

— Боғдан мевачева қилгандирсиз!

— Ҳа, болаларнинг ризқи шу боғдан. Сотишга етмасда, ҳар ҳолда шу боғдан кунимиз ўтаяпти.

ма», дейишса, не дейин?

Бундай оилалар жудаюм кўп. Бу бир шингил, холос. Ҳеч бўлмаса қалб сўзимиз билан улар кўнглиға малҳам бўлайлик. Ҳозир оч қоладиган замон эмас, лекин одамлар бир-бирининг меҳриға, дённатига оч қолмасин, дейман.

Роҳатой РАҲИМОВА  
Хоразм вилояти

Ўзбекистон  
Республикаси  
«ШАРҚ»  
нашриёт-  
матбаачилик  
концерни  
Тошкент шаҳри



Уша кун дунё ҳазонлиг эрди, ариқларда сап-сарик барглр оқарди, боғлар ҳадиғу хавотир ичра дийдирар эдилар. Япроқлар дунёга видео айтаётган янглиғ мунғлуғ, йўлаклар ҳазон, кимсалар мискин кўрунардилар. Жисм аро қўҳна соғинч яна хуруж қилган, аламлар забтига олган пайт эди.

Ўзимни силкитсам — барглр тўкилар, Ҳазонимни кўргил, ҳазонрез боғим, Умр ўтмоқдадир. Лекин бир умр Утмай сил қилади мени бу соғинч.

Шом чўкмоқда эди, ҳазонрезлиғлар ичра гунгу лол эдим, фақр хонтахтасида ҳазрат Навоийнинг девони очик турарди ва

Кун бор эдиким бир ғазалу икки ғазал, Бал уч ғазалу тўрт ғазал баъзи маҳал. Маҳвашлардек бори латофатда масал, Боғлаб кийибон юзга ҳила, тўнға ҳўлал

«Бу назоҳат шабистонининг парданшинлари юз минг зебу зийнат била таъб хилватхонасидин жилван ноз қилиб чиқиб, сойир абнойи жинс силкига кирарлар эрди ва бу малоҳат нигористонининг нозанинлари минг туман оройишу намойиш била хаёл хилватхонасидин хироми дилнавоз била ҳаракат кўргузуб, яна абкори фитнаосорга кўшуурлар эрди».

«Намозшом бўлди».

Уша кун пешвоз тавозесидан сўнг Шерали ака айтган бу сўзлар кейин йил бўйи хотирдан нари кетмади, аларда, хаёлимда қандайдир рамазийлик ниҳон эди ва бу рамазийлик ҳофизнинг кейинги йиллардаги ҳаёт тарзи, дарду изтиробларино кўшиқлари ила боғлиқлиқда намоён бўларди. Ҳа, дарҳақиқат, намозшом бўлганди, ҳофиз ҳаётининг ибодат фасли жойнамоғи ёймоқда эди.

Ҳазрат Навоийда ўқийдурмиз:

«Ва кўхулат айёмиким, ўттуз бешдин қирқ бешга дегинча қиёс қилса бўлғайким, бу фусулнинг ҳазонидурим, тириклик боғининг баргрезининг нишонидур...»

Ва қирқ бешдин олтиш яқиниғачаким таъйин қилса бўлғайким, бу фусулнинг қишидурким, кишининг ҳам қад била адам йўлига кириб, замон аҳли била хайрбод қилишидур...»

«Хайрбод» арабча, форсча сўз, ўзбекчада ҳўшлашу, видолашу деган маънони беради. Эслаб қолинг.

Намозшом бўлди.

Намозшомгуллар титранарди ва Вахшиворда азим чинорлар ҳазрат Сўфи Оллоёр

хоки узра илоҳий сукутга чўмган эдилар, милодий 1989 йил ҳамалининг йигирманчи кунни эди, биз Исфарада Мавлоно Зайниддин Саббоҳ мазорини зиёрат қилиб қайтардик, қай ҳолат эди билмадим, йўл-йўлак Шерали Жўраев бир байт айтди:

**Биз фақо тўфроғи бўлдуқ дайр аро, эй, аҳли зўҳд, Хонақоҳ саҳнида сиз баҳси тақаддум айлангиз.**

Намозшом. Сукутга кетган юзлар.

Унинг кейинги йиллардаги ҳолатлари мушкул қиёслардан ҳам мушкулроқ, ички дунёси ўз яқинларига ҳам сирли бўлиб кўринган ҳофизнинг кейинги йилларда асосан ҳазрат Навоий ғазалларига мурожаат қилишида ҳам «фано тўфроғи» янглиғ ҳикмат бор. «Дардин хокилар англр...» дейдилар ҳазрат ва биз ул шариф зот назарда тутган «хокилар» даражасига етмоғимиз учун ҳали кўп замонлар ўтгусидир.

«Истаганлар, бизни саҳройи балода истангиз» кўшиғи йигирма йиллар бурун айтилган ва бу шомнинг шарҳи ҳам йигирма йилдан узундир, бу шом гўё йигирма йиллар бурун бошлангану, ҳофиз уни шунча муддат ҳаммадан сир тутиб келгандай, у гўё қанча хорлиғлару таъна-маломатлар узра юксалиб, фақат шу шом билан, шу шом таманноси ила кун кечиргандай, бир ўтлуғ кўшиқ билан ҳаммани бу умрнинг, бу «водийи ҳижронининг маънисига еткиза олгучи таъби баянд ҳофиз, айни пайтда шом янглиғ мунғлуғ эди. Шом у эдимми ёки у шом эдимми, илғаб бўлмасди. Ҳилол ва юлдузлардан жило берилган шомнусха чопон бўлганда унинг ушбу ҳолатига ғоят мос тушарди. «Аз субҳ ҳамиша жониби шом равам» деб шайх Саъдий айтган эканлар. Бизнинг субҳимиз шом, шомимиз субҳимиздир балки!..»

Бу ёқда ҳилол ҳам кўриниб қолди. Дастурхонда кечки узумлар мўлтирайди. Ҳофиз кам овқат ейди. Авваллари бу ҳолатни кўпчилик ҳар хил иримларга йўйган ва ёки шунчаки «бодилик қияпти» деб ўйлаган бўлса, эндиликда бул тақвонинг ҳам замирида ўзлари англаб етмаган қандайдир ҳикмат борлиғи хусусида тахминлар қилурлар. Ҳофиз руҳининг иқлимлари эса ўзига аён. Бир байт унинг умрлик озуқасидир балки? Биз ўйлаганчалик, шоншўхратнинг ляммо-лим жомлари эмас, унинг нонуштаси, эҳтимол, пушаймонлиғидир?

— Айрилиқ ҳақида куйламоқнинг ҳам ўз вақт-соати бор,— деганди у бир гурунда.

Айрилиқ. Айрилиқ. Интиҳоми, ибтидоми, нима у?

Йигитлиқнинг шомида  
Ногоҳ англаб қолурсан:  
Ичган ҳар қултум сувинг,  
Ошингдадир айрилиқ.

Мирзо Бобурнинг «Баҳор айёмидур, дағи йигитлиқнинг авонидур» сатри билан бошлангучи нозик ғазалини «Наврўзи Ажам» савтига солиб айтганида, умрнинг, тирикликнинг гўзал саломи янглиғ битилган бу ғазалнинг қадимий куй пардалари ичра видео янглиғ зору нигорон янграганида қандай ҳикмат бор? Шунчалар нола, шунчалар фарёд.

— Ака,— дейман,— ака, шу кўшиқни бошқа айтмадингиз-да...

У жавоб бермади. Мавзуни дарров ўзгартиради.

У нима учун айнан шу ғазалга айнан шу куйни танлади? Мен сабаб қидираман, ҳар парда, нимпардадан моҳият излайман. «Наврўзи Ажам» улуг куй, зор кўнгилинг мангу, туганмас наҳасидир у. Ундаги йиғини сўзга кўчириш қийин. Единиғизда бўлса, ғазал шундай байтлар билан яқунланади:

Юзунг, эй сарв, жоним гулшанининг тоза гулзори,  
Қадинг, эй гул, ҳаётим боғининг сарви равонидур.  
Не ерда бўлсанг, эй гул, андадур чун жони Бобурнинг,  
Ғарбингга тараҳҳум айлагилким, анда жонидур.

«Не ерда бўлсанг...» бу — видео, умр фусулнинг кўклами, кўнгил наврўзи «йигитлиқнинг авони» бирлан Бобурнинг хайрлашувидир бу. Ҳофиз шу нозик нуқтани илғай олган ва менимча, эътироф нечоғли дардли бўлмасин, ушбу кўшиқ ҳофизнинг ҳам видоси эрди, йигитлик фаслининг гулчечаклари, шабоб шабистонининг нуқра юлдузлари, ошиқ-ошифталиклари ила шу кўшиқ кўмағида хайрлашгандай бўлди у. Фақат... бу хайрлашувни ким сезди, ким сезмади.

— Ака,— дейман,— ака...

Бир кеча кўнглим зиқкўчага чиқдим. Боғлар барг тўкарди, вақт алламаҳал, соат ўн иккилардан ошган.

Унга кўнғроқ қилдим.

— Келинг,— деди.

— Кеч бўлди,— дедим қимтиниб.

— У, биз ҳали эртаманганча ўтирамиз. Эртаманганча ўтирдик. Шу кеча кўнглимдан «Бу инсон барибир ёлғиз» деган ўй кечди.

«Не тонгдин ақшомғача ўзумга бир дам ғизодин ком, не ақшомдин тонгғача тарфат ул айне кўзумга уйқудин ором. Хотирим савдоимиз хаёллардин мушаваш, бесарудуллиқдин ҳар неча дилқаш сўз бўлса кўнғулумга нохуш. Меъдамнинг ҳазм қилур ғизоси замона аҳлининг изоси, кўнғулмининг нишот баъзида майи ноби фалак тийғи оқизган бағир хўноби».

Тириклик боғининг баргрезониға бундин ортиқ таъриф бўлмағай. Ҳофизнинг шодмон ҳолатлари зимнида ҳам қандайдир андух ниҳон, у бу андуҳни ошқор қилмайдди, қизгандай ва ё ўзига раво кўрмайдди. Узининг олдида ўзининг шон-шўхратини тўфроққа қиёс қилгулик, доврўғ пастда, оёқлар остида, унинг теварағида, ортидан ўрмалаб юргандай, у эса бунга бепарво, ўзини ўз ичига сургун қилгандай, ўзи билан ўзи банд, зоҳиран гуллаб-яшнаётгандай кўринса-да, ботинида ҳазонлар ғалаёни кечаётгандай...

«Кеч келдинг эса кечди умр нури сафоси...» Бу ҳам бир хайрлашу.

Тўнғич ўғли раҳматли отасига ўхшайди. Утган йили фарзандлари тўйини ўтказди. Етти иқлимдан меҳмонлар келди. Волидаси юзидаги ажинлар шу кеча иккитага камайди. Ер-дўстлари шод, шогирдлари камарбаста, хизматда эди. Ажиб тўй бўлганди у, гўзал тўй эди, ўша кун дунё ҳазонлиг эрди, ариқларда сап-сарик барглр оқарди, япроқлар дунёга видео айтаётган янглиғ мунғлуғ, йўлаклар ҳазон эди, ярим кеч уйга қайтдим, хонтахтада ҳазрат Навоийнинг девони очик турарди ва ушбу рубонийни ўқимоқ ҳам «ажиб саодат эрди».

Ҳар лаҳза қил анга юз индиот, ё раб, Оллиға ёрут шамъи ҳиндоят, ё раб, Ҳам умрини айла бениҳоят, ё раб, Ҳам давлатиға етурма ғоят, ё раб.